

Хужаобод

16 декабр 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хужаобод туман Ободонлаштириш бошкармаси, унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбар вазифасини бажарувчи Т. Умирзаков бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «KELAJAK RAVON YO'LLARI MCHJ» ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи А. Курбонов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонуларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»га Навоий МФЙ Намуна ва Уста кучаси ички йўллари жорий таъмирлаш (асфалтлаш) ишларини бажариб беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 1 164 693 184,62 (бир миллиард бир юз олтмиш тўрт миллион олти юз уксон уч минг бир юз саксон тўрт сум 62 тийин) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб Газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг 10 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни 349 407 955,38 (уч юз қирк тўққиз миллион тўрт юз етти минг тўққиз юз эллик беш сум 39 тийин) сўмни, тегишли бюджетдан молиялаштирилган маблағлар доирасида, олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 65 фоизи, яъни 757 050 570 (етти юз эллик етти миллион эллик минг беш юз етмиш) сўмини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида тулов графиги асосида ўтказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» 5 фоиз охириги тўлов 58 234 659,23 (эллик саккиз миллион икки уттиз тўрт минг олти юз эллик тўққиз сум 23 тийин) сумини «Пудратчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 4 ой қафолат муддатда ўтказиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни

бажариш календар графигига асосан ишларни бажариб топширади. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. Иншоат ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом-ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб 4 ой белгиланади. Агар иншоатдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилуғига қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш; Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш; Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари «Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш; «Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш; «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» томонидан тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдориди «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

#### V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса Қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб ҳудудий Газначилик бўлинимасидан руйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусxada тузилиб, искала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

**KELAJAK RAVON YO'LLARI MCHJ**  
МЧЖ

Манзил : Хужабод туман Навбахор МФЙ 5 уй

х/р 2020 8000 2004 9429 6001

МФО 01037 Кишлоқ қурилишбанк хужабод т

Стир 303 381 893

ОКОНХ 42110

Бошлик:

А.Курбонов

(имзо)

М.Ў.

Хужабод туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил Хужабод ш, Лайлак уя қучаси 5 уй

Марказийбанк Тошкент ш, бош бошқармаси ХКК1

х/р 401722860032367045203110002

х/р

МФО 00014

СТИР 205595604

ОКОНХ:90290

Молия Вазирлиги Газна ҳисоб варағи

х/р 23402000300100001010

МФО 00014 ИНН 20102919

Бошлик:

Т.Умирзаков

(имзо)

М.Ў.

Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR  
Code ni skanerlang.

[[QR]]

Imzolovchi F.I.SH.

{signed\_by}

Imzolangan sana

{signed\_date}

Hujjat kodi

{document\_code}

Hulosa kodi

{law\_document\_code}

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

SP5000737168

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Ushbu pudrat shartnomasi «Buyurtmachi» deb ataluvchi Xo'jaobod tuman Obodonlashtirish boshkarmasi, uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi raxbar vazifasini bajaruvchi T. Umirzakov bir tomondan va «Pudratchi» deb ataluvchi “ KELAJAK RAVON YO'LLARI MCHJ” va uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi A.Kurbonov ikkinchi tomondan kelishuv asosida amaldagi qonunlarga muvofiq tuzildi.« Pudratchi » mazkur shartnoma shartlariga muvofik «Buyurtmachi»ga 1 164 693 184,62 ( bir milliard bir yuz oltmish turt million olti yuz ukson uch ming bir yuz sakson turt sum 62 tiyin ) cumga Navoiy MFY Namuna va Usta kuchasi ichki yo'llarini joriy ta'mirlash (asfaltlash) ishlarini bajarib beradi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xujaobod tuman TOB tomonidan 16.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xo'jaobod tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



M.E.TAJIBOYEV

16.12.2022

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хўжаобод туман Ободонлаштириш

Бошқармаси бошлиғи

Т. Умирзаков



Хўжаобод туман Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчалари 3675 метр қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ № 21

2022 йил «16» декабр

Хўжаобод тумани

Хўжаобод туман ҳокимининг «Тумандаги Хўжаобод туман Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчалари 3675 метр қисмини жорий таъмирлаш ишлари ҳақида»ги 2022 йил 5- июлда тасдиқланган танлов хайъатининг аъзоси йиғилишда иштирок этдилар:

- |              |  |
|--------------|--|
| 1. А.Сантов  | - туман ободонлаштириш бошқармасининг бош муҳандиси хайъат раиси |
| 2 Г. Аманова | - туман ободонлаштириш бошқармаси омборчи, котиби                |
| 3. Х.Халилов | - туман ободонлаштириш бошқармаси Кабристон назоратчиси, аъзо    |
| 4 О. Ортиков | - туман ободонлаштириш бошқармаси булим устаси, аъзо             |

**Х А Й Ъ А Т А Ъ З О Л А Р И:**

**К У Н Т А Р Т И Б И**

Хўжаобод туман Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчалари 3675 метр қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича танлов ўтказиш ҳақида

Кун тартибидagi масала юзасидан туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Т. Умирзаков сўз олиб ички йўлларни жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тузилган Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчалари 3675 метр қисмини жорий таъмирлаш учун нуксонлар кайдномасига тузилган бўлиб, унга кура Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчалари 3675 метр қисмини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун 1 177 404 829 сўм маблаг ажратилиши кўзда тутилган.

Биз ушбу ички йўлни жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи пудрат ташкилоти - курилиш корхонасини аниқлаб олишимиз керак. Ички йўлни асфалтлаш ишларини амалга оширишда танловга қатнашиш таклифи ушбу фаолият билан шуғулланувчи бир қатор хўжалик юритувчи субъектларга. Махсус Ахборот парталига 6.12.2022 йил жорий таъмирлаш ишлари учун 1 177 404 829 сўмга лот №206992 билан эълонлар жойлаштирилди

Эълонга берилган №	Эълон нашр этган сана	Эълонга берилган маблаг	Эълонга кўйилган хизмат тури	«KELAJAK RAVON YOLLARI» МЧЖ томонидан кўйилган таклиф	SHUXTRANS SERVIS» МЧЖ томонидан кўйилган таклиф
20992	6.12.2022 й	1177404829 сум	Хўжаобод туман «Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчаси жорий таъмирлаш учун ишлари	1 164 693 184,62 сум	1 175 245 778 сум

Танловда Хўжаобод туманидаги «KELAJAK RAVON YOLLARI» МЧЖ, «SHUXTRANS SERVIS» МЧЖ лар ўз тижорий таклифлари билан катнашмоқда.

1. «KELAJAK RAVON YOLLARI» МЧЖ

Бажариладиган ишлар бўйича

1 164 693 184,62 сўм.

2. «SHUXTRANS SERVIS» МЧЖ  
Бажариладиган ишлар буйича

1 175 245 778 сум

Хайъат аъзолари томонидан ички йўлни жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи корхоналарининг таклифлари ўрганиб чиқилиб, баённомага асосан тахлил қилиниб овозга қўйилганда « KELAJAK RAVON YOLLARI » МЧЖ таклифини ёқлаб хайъати аъзолари томонидан овоз берилди.


Танлов комиссиясини аъзолари кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб:

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган танловда Андижон вилояти Хўжаобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2015 йил 2 июль кунини тадбиркорлик субъекти сифатида № 2473 ракам билан гувоҳнома берилган (СТИР № 303381893) « KELAJAK RAVON YOLLARI » МЧЖ ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беришлигини ҳисобга олиб танлов ғолиби деб топилсин.
2. Ушбу қарорга асосан Хўжаобод туман Ободонлаштириш бошқармасининг «Келажак равон йўллари » МЧЖ билан Навоий Навоий МФЙ Намуна ва Уста кўчалари 3675 метр қисмини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш буйича шартнома расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.
3. Шартномада жорий таъмирлаш амалга оширишда ташкилотларни узига нисбатан банкротлик эмаслиги, қаррусиёга йўл қўймаслиги тўғрисида тилхат, ишларни бажариш учун зарур техникавий молиявий моддий кадрлар ва бошқа ресурсларни мавжудлиги тўғрисида ҳужжатларни тақдим қилганлиги ҳисобга олинсин.
4. Таъмирлаш ишлари учун буюртмачининг пудрат ташкилоти билан ҳисоб-китоблари, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бир ойда бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари асосида, бажарилган иш миқдори (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб варақ-фактуралар (маълумотномалар) буйича амалга оширилсин.
5. «Танлов натижалари буйича ғолиб» деган тушунча пудратчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома шартлари бузилганда буюртмачи, яъни туман ободонлаштириш бошқармаси ташаббуси билан шартномани бекор қилишга тўққинлик қилмаслиги таъкидлансин.


Қарор йиғилиш иштирокчилари томонидан ёқлаб овоз бериш билан қабул қилинди.

Комиссия раиси:




А. Саитов

Комиссия котиби:



Г. Аманова

Комиссия аъзолари:



Х.Халилов

О. Ортиков